

Тазкия дарслари (212-дарс) Ихлос ибодатнинг мағизидир



19:00 / 08.01.2023 3273

«Ихлос» луғатда «тозалаш» ва «тўғрилаш» деган маъноларни англатади. «Холис бўлди» дегани «мусаффо бўлди» маъносига тўғри келади. Бу икки маъно орасидаги фарқ шуки, олдин бирор нарса аралашган бўлиб, кейин тозалангани «холис» дейилади. Мусаффо нарса олдиндан тоза бўлиши ҳам мумкин.

Уламолар ихлоснинг таърифида бир-бирини тўлдирувчи жумлаларни айтганлар.

Кафавий:

«Ихлос ибодатга сазовор Зотнинг ёлғиз Ўзини ибодат или қасд қилишдир. Дил, тил ва амалнинг мусаффо бўлиши, дейилгани ҳам бор», деган («Куллиёт», 64-бет).

Муновий:

«Ихлос қалбни унинг мусаффолигини кир қилувчи ҳар бир нарсадан халос қилишдир. Ҳар бир нарса ўзини кирлантирадиган нарсадан мусаффо ва халос бўлса, «холис» дейилади. Ихлос халос бўлишга ёрдам берадиган амалдир, деганлар ҳам бор», деган (Муҳаммад Абдурроуф Муновий. «Ат-

Тавқийф алаа муҳиммит-таъорийф», 42-бет).

Аллоҳ таоло Зумар сурасида марҳамат қилади:

لَهُ مُخْلِصًا أَللَّهَ فَاعْبُدِ بِالْحَقِّ الْكِتَبَ إِلَيْكَ أَنْزَلْنَا إِنَّا

الْدِينُ
٢

أُولَئِكَ أَهْوَانُهُمْ مِنْ أَنْتَخَذُوا وَالَّذِينَ أَخْالَصُوا دِينَ اللَّهِ أَلَا

فِي بَيْنِهِمْ يَحْكُمُ اللَّهُ إِنَّ زُلْفَى اللَّهِ إِلَى لِيُقْرِبُونَا إِلَّا نَعْبُدُهُمْ مَا

كَذِبٌ هُوَ مَنْ يَهْدِى لَا إِلَهَ إِلَّا يَخْتَلِفُونَ فِيهِ هُمْ مَا

«Бас, Аллоҳга Унга динни холис қилган ҳолингда ибодат эт. Огоҳ бўлингким, холис дин Аллоҳникидир», деган (2-3-оятлар).

Аллоҳнинг динига ихлос қилиш фақат Аллоҳ таолонинг Ўзини кўзлаб, розилигини ўйлаб иш қилишдан иборатдир.

Ихлос ибодатнинг мағизидир.

هُللا يَضْرِبُ رُبُّهُ يَبْأَنْعَ
 هُللا لُؤْسَرَلَاقْ هَلَاقُونْعَ
 هَمْلَسَوْهُ يَلْعُلَلَا يَلْصَ
 هَلَاعَتَوْكَرَابَتْ هُللا لَاقْ
 هَنْعَءَلَكَرْشَلَا يَنْعَأْنَأْ
 كَرْشَأْلَمَعَلَمَعْنَمْ كَرْشَلَا
 هُتْكَرَتْ يَرْيَغْ يَعْمَهِفْ

وْرَكْرَشْ مُسْمُلْ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам дедилар: «Аллоҳ таборака ва таоло айтади: «Мен ширкдан беҳожатларнинг беҳожатиман. Бас, ким бир амал қилса-ю, унда Менга бошқани ширк келтирса, Мен уни ҳам, ширкини ҳам тарк қилурман». Муслим ривоят қилган.

Демак, Исломда ихлосли бўлиш катта ўрин тутади. Аллоҳга ибодат қилган одам фақат ихлос билан ибодат қилиши керак. Аллоҳ таолони кўриб тургандек ҳис билан, сезги билан яшаб, ўша ҳолатда туриб амалларни адо этиши лозим. Яратган Зотнинг талаби шу! Дунёда ихлос қилиш лозим бўлган дин Аллоҳ таолонинг динидир. Дунёда ихлос қилиш лозим бўлган шариат Аллоҳ таолонинг шариатидир. Холис дин тавҳид динидир. Аллоҳнинг дини Исломдир. Аллоҳ таоло Софват сурасида марҳамат қиласди:

كُنُمْ مَا إِلَّا تُخْزِنُونَ وَمَا
أَلْأَيْمِ الْعَذَابِ لَذَّا إِقْوَأْ إِنَّكُمْ
٢٨

تَعْمَلُونَ
٣٩

الْمُخَلَّصِينَ اللَّهُ عِبَادَ إِلَّا
٤٠

لَهُمْ أُولَئِكَ

مَعْلُومُ رِزْقٌ
٤١

مُكْرَمُونَ وَهُمْ فَوَّاهُ
٤٢

النَّعِيمَ جَنَّتِ فِي



«Албатта, сиз аламли азобни тотувчидирсиз. Фақат қилиб ўтган амалингизнинг жазосини оласиз, холос. Лекин Аллоҳнинг танланган бандалари мустасно. Улар, ана ўшалар учун маълум ризқ - мева-чевалар (бордир). Улар икром этилганлардир. Неъматланиш жаннатларида...» (38-43-оятлар).

Коғирлар гуноҳлари учун жазо ўлароқ, жаҳаннам азобига учрасалар, мўминлар тамоман бошқача ҳолатда бўладилар. Ихлосли мўмин бандалар учун ўзларига хос маълум ризқ бор. Бу ризқ турли-туман мева-чевалардан иборат. У мева-чевалар уларга кўринган жойда берилмайди.

Балки улар иззат-икром этилган ҳолда, наъим жаннатларида - нозу неъмат жаннатларида тақдим этилади. Мухлис-мўмин бандалар ўша ноз-неъмат жаннатларида ясатилган, устига, атрофига гўзал пардалар тутилган сўриларда бир-бирларига қараб, ҳузурланган ҳолларида бўладилар.

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди